

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ  
АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ**

**324** «Автомобиль транспортида шахар, шахар атрофи, шахарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини очиш (ёпиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
9 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1363-1*

*(2012 йил 19 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги ПҚ–1604-сон «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 345-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 ноябрдаги 294-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги ПФ–4354-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 25 августдаги ПҚ–1604-сон қарори)» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 45-46-сон, 470-модда) қарорини бажариш юзасидан **буйраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2004 йил 22 мартдаги 44-сон «Автомобиль транспортида шахар, шахар атрофи, шахарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини очиш (ёпиш) тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (рўйхат рақами 1363, 2004 йил 21 май) буйруғи (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 245-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги,

**324-модда**

— 76 —

**28 (528)-сон**

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЎК ва «Ўздавтемирйўлназорат» Давлат инспекцияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бошлиқ**

**А. АБДУВАЛИЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 28 июнь,  
1-сон

**Келишилган:**

*Ички ишлар вазири*

**Б. МАТЛЮБОВ**

*2012 йил 28 июнь*

*«Ўзбекистон темир йўллари»  
ДАТЎК раиси*

**А. РАМАТОВ**

*2012 йил 28 июнь*

*«Ўздавтемирйўлназорат»  
ДИ бошлиғи*

**Р. ИКРАМОВ**

*2012 йил 28 июнь*